



Аламзада одамга  
нишоннинг фарқи  
йўқ. У жамиятдаги  
барча, дуч келган  
шахс ва идора  
билан  
курашаваради

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz



1-3 ноябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган тадбир олдидан "Ипак йўли" халқаро туризм ва маданий мерос университетида матбуот анжумани ўтказилди.

## Самарқандда зиёрат туризми ҳафталиги ўтказилади

Унда Туризм ва маданий мерос вазири маслаҳатчилари Т.Мирзаев ва Л.Раҳмонбоева, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов ҳафталик давомида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида маълумот берди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ушбу нуфузли тадбир мамлакатимиз зиёрат туризми салоҳиятини намойён этиш, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида танитиш, зиёрат туризми хизматларини диверсификация қилиш ва туризм экспортини оширишга қаратилган, - деди Т.Мирзаев. - Бундай ҳафталик илк бор 2019 йилда Бухорода ташкил этилган. Кейинчалик пандемия ва бошқа сабаблар билан бу тадбир ўтказилмади. Жорий йилда давлат раҳбари ва республика-миз ҳукуматининг тегишли қарорлари асосида Туризм ва маданий мерос вазирлиги ташаббуси билан мазкур ҳафталик қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу гал ҳафталиқнинг асосий тадбирлари Самарқанд шаҳрида ўтказилса-да, шунингдек, Бухоро, Хоразм ва Тошкентда ҳам тадбирлар кўзда тутилган.

Хусусан, Самарқандда "Замонавий исломий меъморчилик" кўргазмаси, "Кўнгил оҳанглари" фестивали, "Марказий Осиё - ислом санъати маркази" халқаро форуми каби тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, Самарқанддаги муқаддас қадимжоларга саёҳатлар уюштирилди.

Бухорода "Мир Араб битирувчилари" форуми, "Ўзбекистон исломий мероси" конференцияси, "Ислом нақшчилиги ва хаттотилик" кўргазмаси, Хоразмда эса "Хоразм - ислом мероси" конференцияси, "Хива - ислом санъати" расомлар кўргазмаси ўтказилди. Тошкент шаҳрида эса халқаро туризм ҳафталиги доирасида ислом иқтисодиёти бўйича давра суҳбати, миллий либослар кўргазмаси, ҳалол туризм конференцияси ва таомлар фестивали кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда зиёрат туризмни янада ривожлантириш мақсадида Малайзия, Япония, Индонезия ва араб давлатлари билан ҳамкорликда муҳим лойиҳалар амалга оширилганлиги, мазкур ҳафталик ҳам бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

## Индаллосини айтганда

Ўқтам МИРЗАЁР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси:



Инсоф-диёнатли, маърифатли инсон ҳамisha эзгуликка интилади. Ғофиллик, бефаҳмлик, бемехрликнинг асорати ёмон. Аллоҳ берган буюк неъмат – фарзандга шафқатсизлик қилганларни оқлаб бўлмайди. Қайда меҳр, қайда муҳаббат? Фарзандга меҳр-муҳаббат қалбимизда, иймонимиз бутлигидадир.

## "Яшил макон": келажак атмосферасининг кафолати бўлади

Президентимиз раислигида жорий йил 11 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида йил якунигача 75 миллион, келгуси йил баҳор ойларида яна 125 миллион дона мевали ва манзарали кўчат экиш вазифаси қўйилди. Ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.



➤ Очiq гап

## Жамият ўзгаришини кутамизми?

Уч кундан буён ўйлаб ўйининг охирига етолмайман - одамлар шунчалик ўзгариб кетдики ёки жамиятми? Инсоф, виждон, бурч, масъулият деган тушунчалар фақат тушунчаларми? Одамлар буни ҳис қилмаётими? Ёшлар-чи? Улар қандай тушунча билан ўсяпти, олдига қандай мақсад қўймоқда?

Энди гапни бир бошидан бошлай. Ўтган ҳафта бир ўқитувчи укамиз "Аттестациядан ўтишда ёрдам қилинг", деди.

Очиги, кейинги пайтда шу гапга тоқат қилолмайдиган бўлиб қолдим. Сабаби, аттестация ҳақида гап кетса, бу ишга масъуллар, таълим тизими раҳбарлари жараён шаффоф тарзда, инсон омили аралашувисиз ўтишни, буни интернет орқали тўғридан-тўғри кузатиш мумкинлигини қайта-қайта айтишдан чарчашмайди. Ўқитувчилар даврасида эса бошқача гаплар айтилади - "Директоримиз ҳал қилиб берар экан", "Районда да шу билан шуғулланганим бор экан", "300 доллар берсам, ўтказиб қўяр экан" ва ҳоказо (курсдошларимиз билан телеграм гуруҳимиз бор, деярли барчаси ўқитувчи, лекин у ерда бунақа гап-сузларни ҳеч эшитмадим, ўқимадим. Ассинча, аттестациядан муваффақиятли ўтганлари билан бир-бирларини табриклашди).

Ана шуларни ўйлаб, ёрдам қўраган ўқитувчи укага "Қандай ёрдам қилишим мумкин, ҳаммаси онлайн бўлади-ку, имтихонни компьютерда топширасизлар", дедим таажубланиб.

- Шу гапларга ишонасиз-да, ака. Нега бунақасизлар-а? Бошқалар йўлини

қиялпти-ку? Пулим йўқ, бўлмаса, 300 доллар бериб, ўтиб олардим. Шунинг иложини қилолмаяпман. Ўзим билан бирга ишлайдиганлар шу пулни бериб ўтди. Энди айтинг-чи, сиз каби ҳаммаси очик-ошқора бўлапти, деб юрганларга ишонайми ёки пул билан бўлса ҳам ишни битириб, тоифаси-ю, ойлиги ошган ёним-дагиларгами?

Бироз қизиққон ёш муаллимга фикрларимни асослаб тушунтиришга уриндим, индамай қўя қолди. Аммо биламан, менинг гапларимдан кўра, ёнидагиларнинг хатти-харакатини тўғри деб билди-у. Майли, бу ўзининг иши. Лекин мени бошқа нарса ташвишга солади - у ўқитаётган ўқувчилар! Улар кимдан, нимани ўрганипти? Ўша ўқитувчи болаларга инсоф, виждон ҳақида гапирадими ва буни қандай тушунтиради?

Ана шу ҳолатдан ўзимга келолмай турганимда шанба куни хоризда ишлайдиган дўстларимдан бири кўнгирик қилиб қолди.

- Кеча опам 100 доллар пул сўраб, телефонимга хабар юборибди, - деди ўртоғим. - Хайрон бўлдим - 100 доллар қарз сўрайдиган пул эмас, опам шу пулни юбор деса ҳам индамай ташлаб бераман. Касал бўлиб қолдимикан ёки рўзғорда етишмовчилик бормикан, деган минг бир ўй билан кўнгирик қилдим. Худога шўқ, тан-жони соғ экан. Карта-сига пул ташлаганимни айтдим, нуқулай бўлса ҳам нимага зарурати борлигини сўрадим. Очиги, опам айтган гапни эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Нахотки, одамлар шунчалик тубанлашиб кетган?

Ўртоғимнинг айтишича, опасининг

турмуш ўртоғи саккиз ойдан буён тўшакка ётиб қолган, оёқлари ишласан экан. Унга ногиронлик нафақаси тайинлаш учун бир ноинсоф 100 доллар сўраган эмиш.

Ҳар қандай одамнинг нафратини уйғотадиган гап-а? Кундан қолиб, давлатдан ёрдам олишдан умидвор бўлаётган оиладан тама қилиш, нимадир қутиб инсонийликдан йироқ иш эмасми? Шу пулни олган одам уни болаларига едирадими, рўзғорига ҳаром лўқма олиб борадими?

Мана шундай кўнгилисиз, юракни огри-тадиган ҳолатларда баъзида "Жамиятдаги муносабатлар шунча бўлса, нимага қила олардик, оқимга қарши сузиб бўлмайди", деган гапларни эшитамиз. Хўш, жамиятдаги муносабатларни ким шакллантиради - ўзимиз эмасми? Оқим бир кишидан пайдо бўлмайди, уни минглаб, миллионлаб одамлар яратади. Нега ўзимиз ўзгаришни истамай, жамиятни ўзгартириб бўлмайди, деган ҳулюсани билдирамиз? Ишмиз битиши учун, манфаатимиз учун бировга "хизмат қилиш"га, пул беришга, таниш-билишни ишга солишга тайёрмиз-ку?

Нега ҳамкасбимиз ёки қўни-қўшни-миз, яқин дўстимиз дуч келган адолатсизлик, ноҳақликка қарши унинг ўзи курашиши керак, деб ҳисоблаймиз? Қачонки, ўзимиз шу ҳолатга тушсак, бу ҳақда жар солишимиз керакми?

Жавоби ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ бўлган шу каби саволларга виждонимиз қийналмай жавоб берсак, менимча, жамиятнинг ўзгаришини қуттишга ҳолат қолмайди.

Ғолиб ҲАСАНОВ.



## Пахтакорларимиз республикада биринчи бўлишди

Самарқандлик пахтакорлар жорий йилда 72 минг 951 гектар майдонда дехқончилик қилиб, 257,4 минг тоннадан ортиқ хомашё йиғиштириб олди ва республикада биринчи бўлиб шартнома мажбуриятини бажарди.

Мавсумда 129 мингдан зиёд теримчи ва 30 дан ортиқ терим машиналари қатнашди. Аҳамиятлиси, 2021 йилда вилоят бўйича гектаридан 32 центнердан ҳосилдорлик кузатилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 35,3 центнерга етди. "Samarqand-Istihon elita urug'chilik xo'jaligi" МЧЖ ҳосилдорликни гектарига 44,8 центнерга етказган бўлса, "Paxtach elita urug'chilik xo'jaligi" МЧЖ ҳар гектар гўза майдонидан 51,8 центнердан ҳосил олди.

Каттакўрғон ва Нарпай туманлари кластер ва фермерлари 39 минг тоннадан ортиқ хомашё йиғиштириб олган бўлса, Паст Дарғом тумани пахтакорлари 55,5 минг тоннадан ортиқ хирмон яратди.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

## 1 ноябрдан нималар ўзгаради?

Уй ҳайвонлари бозорларида, автомобиль бозорларида воситачилик, риэлторлик хизматини кўрсатиш, уйда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, маиший буюмларни ижарага бериш, гипс ва ганчдан буюмлар ясаш, тош ва тош маҳсулотларидан ёдгорлик, сувенир ва декоратив буюмлар тайёрлаш, ёғоч маҳсулотларидан сават, нон маҳсулотлари учун махсус идиш ва бошқа буюмларни тўқиш, уй шароитида пилла, шахсий томорқа ер участкасида тут меваси, ниҳоли ва кўчатини етиштириш, уйда ипак мато, ипак гилам тўқиш ва сотиш ҳамда кулолчилик ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида киритилди.

Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиб ҳақда улар бўйича ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилди.

Қурилиш-монтаж ишлари (реконструкция-си) тугалланган кўп квартиралар уйларида фойдаланиш учун рухсатнома берилганидан сўнг лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни ёки туташ ер участкасини қамайтириш ва туташ ер участкасида қўшимча кўп квартираларни ўй қилиш учун умумий мол-мулк бўлмаган объект қуриш учун ўзгартириш киритиш тақиқланади.

Бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда мuddати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорга нисбатан жарима қўлланилмайди.

IT-парк резиденти бўлган ташкилотларнинг ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олаётган иштирокчи сертификатини олган ёки ушбу ўқув курсларини сўнгги 6 ойда муваффақиятли тамомлаган ёшларга компьютер харид қилиш учун БҲМнинг 25 бараваригача (7,5 миллион сўмгача) истёмоқ кредитлари ажратилади.

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларнинг автотранспорт воситасини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги тегишли маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилади ва йўл ҳаракати хавфсизлиги жамиятининг автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимига интеграция қилинади.

Томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан БҲМнинг 20 бараваригача (6 миллион сўмгача) миқдорда субсидия ажратилади.

Бизнинг суҳбат

Ипотека кредити:

қулайликлар кўпайди

Улардан фойдаланиш тартиби-чи, осонлашдимми?

Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш-ободонлаштириш ишлари янада жадаллашди. Хусусан, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, тураржой савдосини тартибга солиш, жараёнга янги меъморий ва иқтисодий ечимларни жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Фуқароларнинг харид имкониятини оширишга хизмат қилувчи ипотека кредитлари шулар жумласидан.

Бугун самарқандликлар орасида ҳам бу кредит турига эҳтиёж катта. Хўш, улар бу хизматдан фойдалана оляптими? Ипотека кредитини расмийлаштиришда фуқароларга қандай талаблар қўйилди? Жараёнда кимга, қандай имтиёзлар берилди? Марказий банк вилоят бош бошқармаси мутахассиси Азамат Қосимовга кўпчиликни қизиқтираётган саволлар билан муносабат қилдик.

Маълумки, ипотека кредитлари барчага ҳам ажратилмайди. Унинг ўзига яраша талаблари бор. Айтишчи, бугун тижорат банкларида ипотека кредити олмакчи бўлган фуқаролар нимани билиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорига асосан, ипотека кредитини олиш учун фуқаро тижорат банкига:

- ариза;
- қарз олувчи (биргалликда қарз олувчи)нинг паспорт нусхаси;
- сотиб олинган уй қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағи (субсидия бўлса, давлат бюджетидан тўлаб берилган қатъий белгиланган субсидия ва уй-жой қийматининг камида 5 фоизи қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлиши керак);
- пудрат ташкилоти билан хонадон сотиб олиш бўйича тузилган шартнома билан мурожаат қилиши лозим.

Айтиш жоизки, бунда қарз олувчи ва биргалликда қарз олувчининг охириги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги маълумотнома банк томонидан электрон тизим орқали онлайн олинади. Агар электрон тизимда ушбу маълумот акс этмаса, фуқаролар керакли маълумотларни ўзлари тақдим этишлари мумкин.

Ушбу қонда ипотека кредити олишда аҳолининг маълум қатлами, жумладан, янгидан иш бошлаган ёки ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ҳуқуқи чекланишига олиб келмайди-ми?

Доимий иш жойидан 12 ой учун даро-

мадни ҳисоблаш умумий қоида ҳисобланади. Амалда бу тартиб тижорат банклари кредит сиёсатига қараб энгиллаштирилиши мумкин. Бугун мазкур даврни 3 ойдан 6 ойгача қилиб белгиланган банклар ҳам бор. Шунингдек, қонунчилигимизда аҳолининг бу қатламига кирмайдиган фуқаролар учун ҳам ипотека кредити ажратишнинг қатор тартиблари ишлаб чиқилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра, уй-жой шартини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга ҳам ипотека кредити ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, ипотека кредитлари шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек, ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган қонун ҳужжатларида таққиланмаган ҳамда ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга ҳам берилди.

Бунда қарз юки кўрсаткичи фуқаро даромадининг 70 фоизидан юқори бўлмаслиги керак. Шунингдек, у ипотека кредитини олиш учун бирламчи уй-жой бозорида сотиб олинган хонадон қийматининг камида 15 фоизи миқдорда бошланғич бадални тўлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Банкларда ипотека кредити ажратиш тартиби турличами? Масалан, муштарийлар ўртасида ўтказган сўровимизда уларнинг аксарияти "Ўзмилийбанк" ҳамда Халқ банкидан кредит олиш осонлигини, бошқа айрим банкларга мурожаат қилганлар эса ҳужжат йиғиш билан овора бўлганликларини айтишди. Гаров реестри барча банкларда ҳам ишлайдими?



Вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан фуқароларга субсидия асосидаги ипотека кредитлари 20 йил муддатга, йиллик 17-18 фоиздан, 6 ой имтиёзли давр билан (мижоз хоҳишига кўра) ажратилиши белгиланган.

Тижорат банкларида жисмоний шахсларга ипотека кредити ажратиш тартиби Президентимизнинг тегишли фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун барча банкларда ипотека кредити ажратиш принципи бир хил. Тўғри, айрим банкларда фуқаролар мурожаат қилган вақтда қайсибир тизим ишламай қолган бўлиши мумкин. Лекин бу вақтинча ва умумий жараёнга баҳо бериш учун асос бўлмайди.

Гаров реестри масаласига келсак, Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши кераклиги, ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш юзасидан қўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлиги, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномалар мустасно эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу моддани қоидаларига риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, тижорат банкларида кредит таъминоти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бугун бирламчи бозордан уй-жой ва автотранспорт воситалари сотиб олишда гаров (ипотека) шартномаларини тижорат банкларининг ўзидан расмийлаштириш ва ҳужжатни Гаров реестри сайти орқали Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш йўлига қўйилган. Бу тизим мурожаатчиларнинг кредит ҳужжатларини расмийлаштиришга кетадиган вақтини тежаш имконини ҳам беради. Айтиш мумкинки, ҳозир вилоятимиздаги барча тижорат банкларида мазкур тизим ишлайди.

Президентимизнинг жорий йил 22 сентябрдаги "Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нимани ўзгартирди?

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги хонадонларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидия тўлашга рўхсат берилди. Бу эса аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятини янада ошириб, харажатларини қисқартириш имконини беради.

Шунингдек, ҳужжат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолига уй-жой сотиб олиш ёки акка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия ажратиш жараёнини рақамлаштириш, ипотека кредити ажратиш тартибини соддалаштиришни назарда тутувчи қарор қабул қилиниши белгиланган. Бундан ташқари, йил якунига қадар вилоятлар марказларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ипотека марказларини ташкил этиш вазифаси ҳам қўйилган.

Самарқандда ипотека марказлари бор эмасми? Унда қандай хизматлар йўлга қўйилди?

Тўғри, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳри ҳамда Ургут туманида ипотека марказлари ташкил этилган. Уларда тижорат банкларининг масъул ходимлари аҳолига ипотека кредити масаласида комплекс хизмат кўрсатиб келмоқда.

Янги ташкил этиладиган марказда эса ҳудудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган пудрат ташкилотларининг сотув офислари ва нотариал идоралар, кадастр бўлимлари ва тижорат банкларининг банк бурчаклари ташкил қилинади. Мазкур марказларда пудрат ташкилоти ва фуқаро ўртасида тузилган шартномага асосан тўланадиган бошланғич тўловларни қабул қилиш учун банк кассаларини жойлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Асқар БАРОТОВ тайёрлади.

Самарқандда ўзини

ўзи банд қилган

ҳайдовчилар қанча?



Дарҳақиқат, энди ҳайдовчидан ташқари 4 тадан ортиқ бўлмаган ўриндиқларга эга энгил автомашиналар ("Дамас"лар эмас)да йўловчиларни ташувчилар ўзини ўзи иш билан таъминлаган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

Бунинг учун улар "такси"чилик фаолияти лицензия варақасига эга бўлиши зарур. Лицензия беришда машинанинг эксплуатация давriga қўйилган талаб бекор қилинди. Лекин бир йилда бир мартаба транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш шарт.

Лицензия варақаси учун давлат божи йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари, яъни 300 минг сўм миқдорига ундирилади. Лицензия варақасида ҳайдовчининг фаолият кўрсатувчи ҳудуди кўрсатилади. Автомобилининг том қисмига "ТАХИ" белгиси ўрнатилади.

Жорий йилнинг 12 октябрга қадар вилоят бўйича 2608 нафар фуқаро мана шундай тартибда гувоҳнома олди, - дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Саиджало Хайдаров.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида 1151 нафар, Самарқанд туманида 406 нафар, Тойлоқ туманида 133 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхат-

дан ўтди. Бу хизмат тури билан шуғулланувчилар ўзини ўзи банд қилган шахс ҳисобланиб, иш беришга эга бўлмайди, ўзи ҳам ишчи ёлламайди. Уларга меҳнат стажи ва пенсия ҳисоблаб борилади.

Солиқ кодексининг 369-моддасига асосан, белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолиятдан олинган даромадлари солиққа тортилмайди. Улар йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлашади. Шунингдек, "Uztrans" ахборот тизимига уланган кўп тармоқли поликлиника ёки хусусий тиббиёт муассасалари орқали бир йилда бир мартаба тиббий кўриқдан ўтишлари шарт.

Оилавий харажатларини кўплиги сабабли машинада киракашлик қилиб келардим, - дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Толиб Расулов. - Ноқонуний таксичилик қилганим учун икки йил ичида 5 миллион сўмга яқин жарима тўлаганман. Янги қарорнинг қабул қилиниши мен учун катта қулайлик бўлди. Бир йилда бир марта 300 минг сўм солиқ тўларканман. Бу у қадар қимматлик қилмайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар Soliq мобил иловаси орқали ҳам бепул рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Бир рақам шарҳи

Вилоятда жорий йилнинг ўтган 9 ойида аҳоли жон бошига ҳисобланган яли худудий маҳсулот 10 708 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоиз юқори.



Туркия мустақиллигининг 99 йиллиги нишонланди



Шу муносабат билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, айти пайтда Самарқандда яшаётган ва фаолият юритаётган Туркия фуқароларидан бир гуруҳи иштирок этди.

Тадбирда Туркия Республикаси бош консули Салих Жанер сўз олиб, Президент Ражаб Тоййиб Эрдоғаннинг мамлакат мустақиллиги санаси муносабати билан йўлаган табригини ўқиб эшиттирди. Бундан 99 йил аввал, 1923 йил 29 октябрь кунини Мустафо Камол Отатурк томонидан ташкил этилган Туркия давлати бугун жаҳонда ўз ўрни ва маънавиятига эга эканлигини таъкидлади.

Бугун Туркия Ўзбекистоннинг энг ишончли ҳамкорларидан бири саналади, - деди консул. - Ўтган йиллар давомида икки давлат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик самараси ўлароқ бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, бугунги кунда Самарқандда деярли барча соҳаларда яқин ҳамкорликда иш олиб борилапти.

Акрам БЎРИЕВ.

Ришта

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Келажак лидерлари" клуби аъзолари жорий йилнинг 25 сентябрь - 2 октябрь кунлари Туркия Республикасининг давлат бошқаруви соҳасидаги илғор тажрибаси билан танишиш мақсадида Анкара шаҳри ва Невшеҳир вилоятида бўлди.

ҚАРДОШЛАР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ёш давлат хизматчиларининг билим ва касбий компетенцияларини ошириш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётда жорий қилишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган сафар давомида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари офиси раҳбари Салим Атай, бир қатор вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари билан учрашди.

Инсон ресурслари офиси томонидан амалга оширилган "Қобилиятлар харитаси" платформаси лойиҳаси "Тўғри шарт" қиладиган тўғри давлат хизматчилари" тамойили асосида Туркия Республикасининг 81 вилоти ва 922 та туманларда жорий қилинган. Унда 8 миллион талаба ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб бориш, улар билан доимий алоқада бўлиш мумкин. Бугунги кунда Туркиядаги 204

та давлат олий таълим муассасасида Карьера марказлари ташкил этилган. Марказларда 900 нафар ходим талабалардаги қобилиятни аниқлаб, ўқиб мобайнидаги кўрсаткичларини мониторинг қилиб боради ва истеъдодли ёшларнинг давлат хизмати ва хусусий секторда иш билан таъминланишига ёрдам беради. Республика бўйлаб вакант лавозимлар "Қобилиятлар эшиги" платформасига киритиб борилади. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари талабаларига ўқиб давомида стажировка қилиш имконияти яратилган. Стажировкада энг кам ойлик иш ҳақи миқдори берилди ҳамда амалиётни муваффақиятли таъминлашнинг доимий ишга қабул қилинади.

Невшеҳир вилоятида туристик имкониятлари жуда юқориликка гувоҳ бўлди. Вилоят аҳолиси 327 минг нафарни ташкил қилса-да,

ҳудудга келадиган бир йиллик туристлар оқими 4 миллион нафардан ортиқ эканлиги эътиборимизни тортди. Уларга 664 та меҳмонхона хизмат кўрсатади.

Айтишларича, Туркияда уч йил олдин бир туристнинг кунлик харажати ўртача 47 АҚШ долларини ташкил қилган. Туристлар учун хизматларнинг яхшиланиши ва бошқа омиллар сабаб бугун бу рақам 85 АҚШ долларини ташкил қилар экан.

Кўрган-кечирганларимиз асосида Туркия Республикасида давлат хизмати тизимининг ижобий натижаларини юртимизда жорий қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилиб, республика даражасида ҳамда ҳудудлар доирасида амалга ошириш юзасидан "йўл харитаси" шакллантирилди.

Шероз АБДУВАЛИЕВ, Самарқанд "Келажак лидерлари" клуби раҳбари.

Парранда гўшти етиштиришда етакчимиз

Жорий йил сентябрь ойида Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишда аҳолини парранда гўшти, тухум, балиқ, гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда Самарқандда парранда гўшти тайёрлаш 22 минг тоннадан 100 минг тоннага етказилгани эътироф этилган.

Савол турлиши мумкин - соҳада самардорлик шу йўсинда ушлаб туриладими, орқага кетиш кузатиладими? Кўрилатган чора-тадбирлар ва олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бу кўрсаткични янада оширишга қаратилган.

Йил давомида 27 та лойиҳа асосида 1 миллион 786 минг бош парранда парваришlash ва 504 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бугунги кунгача 25 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 миллион 510 минг бош парранда парвариши учун 410 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Мисол учун, "Кўшработ ломанд парранда" фермер хўжалигида қиймати 75,5 миллиард сўмлик 45 та инкубация цехида 800 минг бош тухум йўналишидаги товۇқ ҳамда йиллик 12 миллион бош насли жўжа етиштириш комплекси ташкил этилди.

Айни вақтда вилоятимизда паррандачилик йўналишида 206 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда маъжуд паррандалар 12 миллион 124 минг бошни ёки ўтган йилнинг учинчи чорак ҳолатига нисбатан 101,8 фоизни ташкил қилади. Шу пайтгача 971 миллион 155 минг дона тухум ишлаб чиқарилган.

Одилхон БАҚОЕВ, вилоят худудий "Чорванасл" маркази директори ўринбосари.

## Каттақўрғон шаҳридаги қадимий обидаларга қачон эътибор берилади?

Шаҳарнинг ёши икки минг йилдан ортиқ. Бугун бу ерда ўнлаб тарихий жойлар, масжиду мадрасалар, қалъалар бор. Масалан, шаҳар тарихида Сарипул қалъасининг ўз ўрни бор. 1501 йилда бу ерда Шайбонийхон билан Мирзо Бобур ўртасида жанглар бўлган. Буюк шоҳ ва шоир бу ҳудудда анча муддат турган.



Каттақўрғон тарихига алоқадор яна бир ёдгорлик Робинзон шаҳри. I-V асрларда сомонийлар давлати таркибига кирган Робинзон бутун Шарқда ўзининг "рабинжони" деган нафис газламаси билан машҳур бўлган.

Каттақўрғон шаҳри бу ўлкада 2500 йиллар илгари яратилган шаҳарсозлик маданиятининг (Кушония, Робинзон, Корзон ва Пай) маҳсули сифатида пайдо бўлган, дейиш мумкин.

Тарихчиларнинг айтишича, македониялик Искандар Самарқанд шаҳрини вайрон қилганидан кейин Каттақўрғон бир муддат Сугднинг сиёсий маркази бўлиб турган.

Бундан ташқари, манбаларга кўра, шаҳар атрофи баланд мудофаа девори билан ўралган ва унинг тўрт томонида Бозор-дарвоза, Ҳайдарчаман, Самарқанд, Бухоро дарвозалари бўлган.

XVIII аср охирида Каттақўрғон кенгай борди. Ўша пайтда ҳам ҳар қайси гузар ўз номига эга бўлган: Арабхона, Сарбонгузар, Қаландархона, Оқмачит, Сўфигузар, Ҳайдарчаман, Бегижон, Мадраса, Мавриқўрғон, Лўлахўр, Ғариб масжид, Шўргузар, Кўчахўр, Махалла, Ҳожи Курбон, Чордаракдарун, Қориработ, Кўрмагузар, Сарбозор, Кимоҳгар, Ҳақигузар, Арақишлоқ, Кўчадам.

Ҳар қайси гузарнинг ўз масжиди ва ҳовузи бўлган. XVII аср охирида қад кўтарган Қалан-

дархона, Бегижон гузар, Эшон мазор, Сармозор ва Паст Чордара масжидлари мозийдан хабар бериб турган. Бугун эса бу тарихий иншоотлар ўта хароб аҳволда, кулаб тушиш арафасида. Чунки ўтган асрда собиқ иттифоқ даврида маданий мерос объектлари омборхонага айланган эки улардан бошқа мақсадлар учун бейсанглик билан фойдаланилган.

Афсуски, ҳозир ҳам "очик осмон остидаги музейлар" эътибордан четда қолмоқда. Маданий меъморий ёдгорликларнинг бирортаси лоақал реставрация қилинмади, бунинг учун маблағ ажратилмади. Баъзилари йўқолиб кетди, қолганлари йўқолиш арафасида.

Президентимиз томонидан 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган "Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш қатъий белгиланган.

Туркий адабиётнинг забардаст сиймоларидан бири, мутасаввуф шоир ва йирик фақиҳ Сўфи Оллоёр ўзбек ва форс тилларида бир қанча нодир асарлар яратган. У Каттақўрғон беқлигига қарашли Минглар қишлоғида Оллоқули (Темирё) хонадонидан туғилган. Сўфи Оллоёр Имом худодот истеъдод эгаси бўлганлиги ҳақида узоқ йиллардан буён эзиб келинмоқда.

Умуман, Каттақўрғон ўзининг

бой адабий-бадий мероси билан республикада ўз ўрни ва макеига эга шаҳар. Айнан Сўфи Оллоёр даҳосидан нур эмган каттақўрғонлик шоир ва фақиҳлар - Муҳаммад Шариф Шавқий, Очиладмурод Мирий, Ноқис, Дабириий, Аҳмад Аҳқар, Мансур Дилафкор, Видоий, Вола, Ҳақима, Абдулҳамид Маждий, Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев, Мутриба, Холлилар ўзбек мумтоз адабиётида ўзларининг нафис газал ва шёрлари билан ёрқин из қолдирган. Афсуски, бу буюк аждодларимизнинг ҳаётига оид ашёлар ҳам йўқ эмас. Ана шу ашёлар асосида янги уй-музейлари ташкил этилса, ёш авлодга буюк аждодларимиз ибратли ҳаёти ва ижодидан баҳраманд қилган бўлар эдик.

Тўғри, 93 минг аҳолига эга Каттақўрғон шаҳри обод бўлиб бормоқда. Бу ерда сайёҳларни қабул қилиш имконияти бор. Муҳими, уларга кўрсатишга арзигulik бой қадрият ва маънавий-маданий меросимиз етарли. Шу боис республикамиз туристик маршрутларига Каттақўрғон шаҳрини киритиш мақсадга мувофиқ. Фақат миллий қадриятларимиз, бетакрор маънавиятимиз, моддий ва номоддий маданий меросимизни асраш, бу меросга бефарқ бўлмаслик керак.

Тоҳир ХАМИДОВ.

### ➤ Сўранг, жавоб берамиз

## Қандай ҳолатда ҚҚС ҳисобга олинмайди?

- Қайтармаслик шarti билан молиявий ёрдам олинса, солиқ ҳисобланадими? Ҳисобланса, қайси ҳужжат асосида? А.КОБИЛОВ.

- Солиқ кодексига асосан, бепул молиявий ёрдам кўринишидаги пул маблағларини олиш чоғида корхона текин олинган мол-мулк кўринишида даромадди тан олади (пул - бу мулк). Бепул олинган мол-мулк (хизматлар) қиймати бозор қиймати бўйича жами даромадга киритилади. Бозор қийматини ҳужжат билан тасдиқлашнинг мумкин. Бироқ давлат раҳбари ёки

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ бепул олинган мол-мулк ва хизматлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди. Шунингдек, Солиқ кодексининг 267-моддасига асосан, бепул олинган мол-мулк (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси ҳисобга олинмайди.

- Ташкилотимиз томонидан олинган онлайн назорат-касса машинаси бир ҳафтадан бери ишламаяпти. Онлайн НКМни олган жойимизга бердик. Улар онлайн НКМни қайта дастурлаштириш учун Тошкентга юбормоқчи. Ушбу даврда онлайн НКМдан фойдаланмаслигимиз тўғрими? Г.ХОННАЗАРОВА.

- Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан, онлайн НКМ ва виртуал кассага қафолатли узлуксиз техник хизмат кўрсатиш техник хизмат кўрсатиш маркази билан тадбиркорлик субъекти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Техник хизмат кўрсатиш маркази маълумотлар тушган вақтдан бошлаб 1 соат ичида турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шохбачаси жойлашган манзил ҳисоб-китобларни махсус ахборот тизими орқали хабардор қилади.

Онлайн НКМ ёки виртуал касса носоз бўлган тақдирда тадбиркорлик субъекти бу ҳақда техник хизмат кўрсатиш марказининг Call-марказига қўнғироқ қилиб, хабардор қилиши керак. Шунингдек, буни бевосита таширф буюриб, амалга ошириши ҳам мумкин.

Техник хизмат кўрсатиш маркази таъмирлаш даврида сизга 1 кун ичида захирадаги онлайн НКМ ёки виртуал кассани ўрнатиб беради. Бу пайтга қадар тадбиркорлик субъекти харидорлар билан ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган махсус қвитанчида дафтари асосида амалга оширади.

Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод САЛИЕВ жавоб берди.

- Муаллифлик ҳақи тарзида олинган даромадларга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? М.КОДИРОВ.

- Солиқ кодексига мувофиқ, илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарзида даромад олувчи солиқ тўловчилар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириши ҳуқуқига эга.

ланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга. Лекин чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ушбу моддага мувофиқ, даромадларига солиқ солинадиган солиқ тўловчилар солиқни солиқ органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларга қуйидагилар кирди:

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган солиқ тўловчи даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт. У ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳақиқатда сарф-

- илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур материаллар сотиб олишга доир харажатлар;

- фақат илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ихро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

Саволга вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Умид АЛИМОВ жавоб берди.

## Дўстлик уйи глобусга ўхшайди

Самарқанд шаҳар Спитамен шох кўчаси, 159-а уйда жойлашган "Дўстлик уйи"га пойтахтлик журналистлар шундай таъриф беришди. Бу масканда нафақат 36 та нодавлат нотижорат ташкилоти, балки вилоятдаги 11 та миллий-маданий марказ ҳам жойлашган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташаббуси билан пойтахтлик бир гуруҳ журналистлар Самарқанддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар фаолияти билан танишиш мақсадида "Дўстлик уйи"да бўлди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари

"Луйс" арман, немислар, рус, озарбайжон, яхудиелар, татар-бошқирлар, корейс, турк, тожик, "Полонез" поляклар, араб миллий-маданий марказлари фаолияти билан яқиндан танишди. - Мен шу соҳани доимий равишда ёритиб бораман, - дейди "Дунё бўйлаб" телеканали муҳбири Диана Ибодуллина. - Бошқа вилоятлардаги миллий-маданий марказлар турли ҳудудларда биноларига эга. Бу ерда уларнинг бирдамликда ишлаши, ҳатто умумий суҳбатлари учун "ННТ чойхонаси" ҳам борлигига гувоҳ бўлдим. Оммавий ахборот воситалари вакиллари шунингдек, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, "Боқий шаҳар" туризм масканини ҳам томоша қилдилар.



REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## Сожида НАСРИДДИНОВА

Бешафқат ўлим моҳир шифокор, малакали педиатр Сожида Насриддиновани орамиздан олиб кетди. С.Насриддинова 1947 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.



Урта мактабни аъло баҳоларга тугаллаб, Самарқанд тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Билими, ташкилотчилиги, тиришқоқлиги туфайли илм масканда ўтадиган турли тадбирларда фаол иштирок этди. Дипломни олгач, Самарқанддаги 1-шаҳар касалхонасида меҳнат фаолиятини бошлади.

Кейинчалик ўша пайтдаги Самарқанд вилоят тиббиёт илмий-тадқиқот институтининг хирургия бўлимида ҳамшира бўлиб ишлади. Йиллар давомида тажриба ва малака тўплаган, қолаверса, тиббиёт соҳасини чуқур ўрганиш, бемор болаларни даволашни олдиға мақсад қилган Сожида Саъдиевна 1970 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Самарқанд шаҳридаги 4-поликлиникада педиатр бўлиб ишга жойлашди. Сўнгра фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 5-поликлиникада давом эттирди. Бу ерда соҳада ортирган билим ва маҳоратини ҳамкасблари билан ўртоқлашди, ёш ҳамшира ва педиатрларга устозлик қилди.

Сожида Насриддинованинг вафоти вилоятимиз тиббиёт ходимлари учун катта йўқотиш бўлди. Моҳир педиатр, тажрибали раҳбар, меҳрибон она С.Насриддинованинг порлоқ хотираси фарзандлари, дўстлари ва шогирдлари қалбидан мангу яшайди.

Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи фаоллари.

### ДАВВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Азимов Ортикга (1997 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Мукумова Малаҳат Туракуловнага (2018 йил 19 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдоқ кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Фархатович нотариал идорасида марҳум Раҳматов Нигмат Исмаиловичга (2022 йил 1 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фархатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чуқур йўл кўчаси, 9-Б" уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Джулматов Тахир Раҳматуллаевичга (2021 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Муртазаев Ризоқулга (2022 йил 19 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исақулова Нигора Турдиқулловна нотариал идорасида марҳум Маҳмудов Абдурахмонга (2017 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исақулова Нигора Турдиқулловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Фаниева Маликага (2020 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Ваҳидов Абдузоҳид Тешаевичга (2022 йил 17 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасида марҳум Рустамов Каҳорга (2016 йил 22 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллоевна нотариал идорасида марҳум Узакон Комил Норқузиевичга (2012 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Ди-

лофруз Зиядуллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ Булуғтур туманидаги "FAYZIYEV BEGZOD DALASI" фермер хўжалигининг (СТИР: 304294462) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ санаоат ва сервис касб-хунар коллежидан 2020 йилда Эгамбердиев Шоҳжаҳон Амиркул ўғли номига берилган рўйхат рақами 195, К № 5887725 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ санаоат ва сервис касб-хунар коллежидан 2020 йилда Ҳайитова Дилноза Уктам қизи номига берилган рўйхат рақами 371, К № 5887668 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "STAR AVALON GROUP TRAVEL" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 304322711) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси Самарқанд вилояти кўз касалликлари шифохонасида узоқ йиллар давомида бош шифокор лавозимида ишлаган Бахтиёр САИДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

## Алимент тўламаслик учун ярашаётганлар



Бир йигитнинг тахририятга мурожаатидан аввалига ажабландик. "Оиламни сақлашда ёрдам беринг, ярашимизга хотинимнинг онаси кўнмаяпти. Балки тахририятдан мухбир борса, фикрини ўзгартирар. Тўғри, хатоларим бор, тан оламан. Ўзгартишга, хатоларимни тасрихлашга ҳаракат қиламан. Икки ёшли ўғлимни жуда соғиндим, ҳатто кўрсатишмаяпти ҳам".

Кейинги йилларда ёрдам сўраб келаяётганлар орасида йигитлар кўпроқни ташкил этаётгани билан ўйлашга ундади. Бундан ҳатто беш-олти йил аввал бу масалада кучли жинс вакилларининг ёрдам сўраб келгани деярли учрамади. Бу каби мурожаатлар асосан хотин-қизлар, уларнинг ота-оналари томонидан бўларди. Лекин бугун вазият ўзгарди: аёллар томонидан бўлаётган мурожаатларнинг аксарияти алимент ундириш, мол-мулк ажратишдаги муаммолар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Назаримда, шу икки мисолнинг ўзи бугун оила аталмиш маскандаги биз узоқ йиллар эъозлаб келаяётган қадриятлар ўзгариб бораётгани, шу жумладан, ёшларнинг ҳам бу масканга нисбатан фикрлари тамомла ўзгараётганидан дарак беради. Табиийки, бу ўзгаришлар оиладаги ажралишларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Хўш, оилага нисбатан ўзгача ёндашулар ажралишлар сонининг ўсишига таъсир кўрсатяптими?

### ОТА БОШ БЎЛГАН ОИЛАЛАРДА АЖРАЛИШ КАМ

Маҳалла фаоллари учун Ургут туманида ўтказилган семинарда маҳаллалардан бирида бир неча йилдан бери умуман ажралиш қайд этилмагани айтилиб, шу ҳудуднинг тажрибаси ўрганилган. Ушанда фаоллар оиладаги кичик низо-ларни ҳам ҳал этишга маҳалла раисининг ўзи боришини, муаммони атрофлича ўрганиб, ақсар ҳолларда ижобий ҳал этишини айтганди. Оилавий масалаларни оиладан, маҳалладан ташқарига чиқармаслик, отанинг оиладаги ўрнини мустақамлашда раиснинг ўзи ташаббус кўрсатар экан.

Кейинги пайтда оилаларни мажбурий яраштириш оғир жиноятларга сабаб бўлиши мумкин, дея бу масалада бироз эҳтиёткорлик қилинган. Аммо оилавий низо-лар билан боғлиқ бу масалани фақат хотин-қизлар фаоллигига ишониб қўйган маҳалла раислари бугун кўпроқ.

Яқинда Жомбой тумани фаоллари билан суҳбатлашганимда, улар оилавий ажралишларга учинчи шахснинг аралашуви кўпроқ сабаб бўлаётгани ва бу шахсларга нисбатан қонуний чора

кўриш вақти келганини таъкидлашганди.

### АЁЛ ХИЁНАТИ, ТЕЛЕФОН СУҲБАТЛАРИ...

Ажралишлар сони ўсиб бораётгани бугунги оғриқли нуқтами, - дейди вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси масъули Фароғат Шокирова. - Шу йилнинг ўзида вилоятда 3 мингдан зиёд оилавий ажрим қайд этилди. Ажралишларнинг олдини олишга қаратилган чоралар натижасида 900 дан зиёд нотинч оиланинг 800 га яқини яраштирилди. Ажралишларнинг катта қисми ёшларнинг ўзаро келишмовчилиги, фезъл-атвори бир-бирига мос тушмаётгани билан боғлиқ. Шунингдек, миграция, учинчи шахснинг аралашуви, фарзандсизлик, хиёнат каби масалалар ҳам бор.

Бу сабабларни боғлаб турувчи умумий бир жиҳат - ёшларнинг оилага тайёр эмаслиги. Бугун ФХДЁ бўлимлари қошида Ёш оила марказлари ташкил этилиб, никоҳдан ўтишни режалаштираётган ёшларга бир ойлик курслар ўтилади. Бу курсларда психолог, шифокор, диний идора ходимлари ва бошқа мутахассислар дарс ўтишади. Афсуски, курс мажбурий бўлмагани туфайли, унга қатновчи ёшлар жуда кам. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги машғулотлардаги маълумотларни илк бор эшитаётганини ҳам тан олишади. Айтмоқчиманки, ёшлар ўз ота-оналари билан оила ҳақида суҳбатлашмайди.

Арзимас сабаблар билан ажралишган оилаларда йигитлар иккинчи оиласини қургач, кейинчалик фарзанди учун алимент тўлашга қийналиб қолмоқда. Бир пайтлар алимент масаласига катта аҳамият берилмас эди, бугун эса оталар жинсий жавобгарликка ҳам тортилмоқда.

Шу ўринда алимент тўлашдан бўйин товлаганларга қўрилган чоралар, шу билан боғлиқ баъзи рақамларга тўхталиб ўтсак.

### 77 НАФАР ҚАРЗДОР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН

Ажрашган ёш оилаларни тиклаш, фарзандлари таъминоти учун белгиланган алиментларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди Мажбурий ижро бо-

роси вилоят бошқармаси масъул ходими Дўстбек Сулаймонов. - Шу билан бирга, ишсиз қолган алимент тўловчиларни ишга жойлаштириш орқали муқим алимент тўловлари манбаларини яратиш борасида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси органлари иш юритувидаги алимент ва моддий таъминот ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича 35 минг 256 нафар (!) алимент тўловчи қарздорлар мавжуд.

Жорий йилнинг 6 ойида ушбу тоифадаги ижро ҳужжатлари бўйича амалга оширилган мажбурий ижро тадбирлари натижасида алимент тўловчи қарздорлардан 59,5 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундириб берилди.

Бу тоифадаги ижро ишлари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қарздор ва ундирувчилар ўртасида олиб борилган профилактик суҳбатлар ва чоратадбирлар натижасида ўтган даврда 3 минг 782 та оила яраштирилди.

Ишсиз, ёрдамга муҳтож, оғир аҳволга тушиб қолган 1 минг 212 нафар ишсиз алимент тўловчилар ишга жойлаштирилиб, доимий бандлиги таъминланди ва алимент ундирувчиларнинг иш ҳақларининг маълум миқдорига қаратилди. Шунингдек, ушбу даврда алимент қарздорлигини тўлашдан мунтазам бўйин товлаб келаяётган 77 нафар қарздор жиний, 521 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Алимент ундируви билан боғлиқ чоралардан сўнг 3 минг 782 та оила яраштирилиб, оилаларнинг тикланишига эришилди, дейилапти. Демак, ушбу оилалар ўз вақтида мажбуриятини англамай турмуш қурганими? Ёки арзимас сабаблар билан ажрашганими? Ёки алимент тўломай, ярашишга мажбурий жавобгарликка ҳам тортилмоқда.

Мутасаддилар алимент тўламаслик ҳам бир сабаб, аммо аксарияти ёшлиқ қилиб ажрашганини тан оляпти, дейишди.

Бугунги оила биз илгари ўйлаган, "келин ҳамма ишни сўзсиз бажаради, ўғил барча насихатларга қўнади", қабилидаги оила эмас. Уларнинг мустақил фикрга эга бўлган ҳолда оила қуриши лозимлигини истасак, ёшлиқдан бу масалада суҳбатлашш, тўғрироғи, тарбиялашимизга тўғри келади.

Гулрўх МҲМИНОВА.

Қашқадарёданман. Ижодга, адабиётга қизиқман. Буюк алломалар, таниқли шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан Самарқандда ўқиш болаликдаги орзум эди. Бу йил ниятим амалга ошди. Кўхна кентдаги нуфузли олий ўқув юрти талабаси бўлдим. Энди бўш вақтларимда самарқандлик улуг инсонлар ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қиламан. Шу мақсадда яқинда атоқли драматург Шароф Бошбеков туғилиб ўсган Булғур туманидаги Губир қишлоғига бордим. Адибнинг укалари, болаликдаги дўстлари ва ҳамқишлоқлари ижодкорни илиқ хотиралар билан эслади.

У оилада олти фарзанднинг иккинчиси эди. Ёзувчининг болалиги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир дамларга тўғри келгани сабаб, уларнинг оиласи ҳам бошқалар каби оғир шароитда яшади.

Шарофнинг онаси Ҳамида янгам муаллима эди, - дейди 93 ёшни қар-

## Шароф Бошбеков қандай инсон эди?

шилаётган Зулайхо Бобораҳимова ўша оғир дамларни эслаб. - Менинг ҳам ёш қизим кўлимда, Шарофни ҳам менга ташлаб, мактабга кетарди. Уларга бериш учун озгина соғин сут бўларди. Хар икки норасида ҳам шунга қаноат қиларди.

Ўхтимол, оғир ўтган болалик Шарофни тез улғайтирди. Атрофидаги инсонлар тақдирига, даврнинг шафқатсизликлари мурасасиз ўсди.

Камтарин бола эди, - деб эслайди Шароф Бошбеков билан болаликда бирга ўсган дўсти Эшқул Маматқарим. - 10-синфгача бирга дарс қилиб, кўча чагитиб улғайганмиз. Умрининг охиригача бир-биримизни йўқлаб, ҳамсуҳбат



бўлди. У доим атрофидаги инсонлар ташвиши билан яшарди.

Кувончбек ХАЙИТОВ, Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти талабаси.

## ➤ Муштарий фикри КИТОБНИ ДЎСТ ТУТИНГ, БОШҚАСИ БЕКОР

Эсимда, 1956 йил мактабга илк қадам босганим, битта қалам ва 2 та дафтар билан ўқув йилини якунлаганман. Кейин биттани ака, бошқани опа, деб китобини олиб, дарс қилардим. Шу заминда мактабни тамомлаб, олий ўқув юрти талабаси бўлдим. Энди ўйлаб кўрсам, илм олишим учун шароит деярли ўзгармаган экан. Чунки бир китоб зарур бўлиб, кирмаган дўконим кутубхона қолмаганди. Ахтариб-ахтариб Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан топиб келганман.

Биламан, бу гапларим ҳозирги ёшларга эриш туолиши, ёқмаслиги тайин. Балки тақчил бўлгани учун китобнинг қадри, қиймати баланд бўлганди, билмадим. Шуниси аниқки, хонамда тахланиб турган мингга яқин китобнинг аксариятида биринчи варақда собиқ ўқувчиларининг дастхати бор. Буни улар турли даврларда совға қилган.


Бугун уларни варақларканман, аввало, бу орқали бир пайтлар мен сабоқ берган шоғирларим учун ажр эзилаётганини ҳис қилиб, мамунчилик туяман. Қолаверса, шоғирдимнинг ўша беғубор дамларини яна бир бор ёдга оламан. Ажойиб ҳислар...

Сизни ҳам устозингиз, балки бошқа бир танишингиз билан шундай алоқангиз борми? Бугун ўқиш, ўрганиш учун ҳеч бир қийинчилик, муаммо йўқ. Бир пайтлар хорижий давлатларга чиқиб, уларнинг турмуш тарзи билан танишиш катта-катта идораларда танишибилиш борларга насиб қиларди. Меҳнат мигрантлари қайда-ю, ривожланган давлатларда илм олаётган, обури вазифаларда ишлаётган ҳамюртларимиз қанча? Улар китобни дўст тутганидан шундай даражага эришмадиларми?

Мурод ҚУРБОНЗОДА, халқ таълими аълочиси, "Шухрат" медали соҳиби.



## Олтин куз манзаралари



Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

## Ўқувчилар Саидризо Ализода мероси билан танишди



Маърифатпарвар олим, журналист ва таржимон Саидризо Ализода таваллудининг 135 йиллиги муносабати билан Ургут туманидаги 122-умумий ўрта таълим мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлди.

Унда маърифатпарвар олимнинг невараси Фарҳод Ализода бобосининг ҳаёти ва ижоди, у яшаган хонадонда уй-музей ташкил этгани ҳақида сўзлаб берди.

Саидризо Ализода ўқувчилар учун "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Жуғрофия", "Риёзиёт", "Ҳандаса" каби 11 та дарслик тузган, - деди Фарҳод Ализода. - Шу билан бирга, ношир ва журналист сифатида "Самарқанд" газетаси ҳамда "Ойна" журналида Беҳбудий би-

лан яқин ҳамкорликда ишлаган. "Шарқ", "Хурият", "Зарфшон", "Овози тожик" газеталарида фаолият юритган.

Бобомизнинг ҳаёти турли сиёсий талотўпларда ўтди, хорижда машҳур бўлган аллома большевиклар томонидан халқ душманига чиқарилиб, ҳибсга олинди. Бундай тақдир ҳақида том-том асарлар ёзса, асарлари, илмий фаолияти яна чуқур тадқиқ этилса, арзийди. Бобомизнинг бугунги авлод учун ибрат қилиб кўрсатишга арзиғулик сифатлари шу қадар кўпки, улар ўрганишни, илмий мулоҳазаларни тақозо этади.

Мактабда Ализода асарлари ва унинг ҳаётига оид ноёб ҳужжатлар намойиш этилди.

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**  
**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**  
 Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 373 nusxada chop etildi. Buyurtma 711. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA:** (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'OLONLAR:** (66) 233-91-56  
**BO'LIMLAR:** (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61  
**MANZILIMIZ:** 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir Lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonani manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.  
 Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:** A.SHERXOLOV.  
**Navbatchi:** Y.MARQAYEV.  
**Sahifalovchi:** A.AMINOV.

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X

9 772010 667009

Sotuvda kechirilgan holda